


ISLAMONLINE.UZ

TAVORIX

Тарих



Гафур Гуломнинг Абдулла Қодирийга қарши берган кўрсатмаларидан



Абдулла Кодирий чинакам миллатчи ҳисобланади. Илгари у савдогар, муштумзўр эди, ўз хўжалигида одамларни мажбуран ишлатарди. Бундан ташқари Зоҳириддин Аълам, Шохидов каби аксилинкилобий кайфиятдаги мусулмон рухонийлари билан доим апок - чапок бўлиб юрарди. Ошна - оғайнилари аксилинкилобий фаолияти учун жиноий жавобгарликка тортилган.

А. Кодирий чинакам аксилинкилобчи, миллатчи. У доим аксилинкилобий, миллатчилик ишлари билан машғул бўларди. Масалан, ўзининг «Калвак Махзум», «Ўткан кунлар», «Меҳробдан Чаён», «Обид Кетмон» сингари асарларида аксилинкилобий, миллатчилик

гояларини тараннум этади, ҳозирги замон ўзбек халкига тухмат килади, ўрисларнинг устидан кулади.

1936 - йилда мен Кодирий билан биргаликда Наби Шариповнинг уйига таклиф этилдим (у аксилинкилобчи, миллатчи эди, ҳозирги пайтда жиноий жавобгарликка тортилган); ўша хонадонга Зоҳириддин Аълам, Шохидов, Чўлпон (аксилинкилобий мусулмон рухонийлари, ҳозир жавобгарликка тортилганлар) ва менга нотаниш кимсалар ҳам таклиф этилган эдилар. Ўтириш давомида факат сиёсий мавзуда суҳбатлашдилар, ҳамма Шўро хокомиятини коралади, Шўроларга карши гапиришди.

Козон шаҳрида «Шўро» меҳмонхонасида яшаб турган пайтимизда Кодирий менга бундай деди : «Татаристонда ва олмонларнинг Эдилбўйи мухториятида озик - овкат маҳсулотлари атайлаб таҳчил этиб кўйилган; Шўро ҳукумати аҳоли ўртасида норозилик уйғотиш учун жўрттага шундай қияпти. Олмонияда эса хайр - эҳсон тўпланяпти, йигимдан тушган маблағ, маҳсулот Татаристон билан олмонларнинг Эдилбўйи мухториятига жўнатиляпти». Сўнгра Кодирий бундай деди: «Харбий жихатдан Шўро Иттифоқи Олмониядан кучсиз. Агар уруш бошланиб кетса, Шўро ҳукумати мағлубиятга учрайди». Ушбу сўзларни эшитишимиз билан Умарий, Сулаймонов ва мен дархол Кодирийга эътироз билдирдик. Аммо Кодирий ўз фикридан қайтмади.

Кодирий ўзининг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» китобларида Худоёрхон ҳукмронлик қилган даврни ёритган. Абдулла Кодирий бу асарларида ўрис халкига қаҳр - газабини тўкиб солган. Темурланг, Умархон замонидаги олтин даврни кўмсайди. Агар ўшалар қаби хонлар бўлганда борми, ўрислар икки дунёда ҳам Туркистонни босиб олишолмасдир, деб ҳисобларди.

Абдулла Кодирий ўз асарларида Худоёрхонни уқувсиз ҳоким сифатида коралайди; ўша ярамас охир - оқибатда Туркистонни ўрисларга топшириб қўйди, дейди. «Обид кетмон» романида Кодирий яққаўжаликни улуғлайди, жамоа ҳўжалиги қурилишини коралайди. Бу романида Кодирий сифлис (таносил) қаби юқумли касалликлар Туркистонга ўрислар томонидан келтирган, деб талкин этади.

Набижон Бокийнинг "Катилнома" китобидан.